

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ ҲУКМИ

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси
2021 йил 23 сентябрь куни ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Д.Ражабов,

хайъат судьялари: О.Илхомжонов ва Ғ.Амоновдан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси Д.Норкуловнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент
шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Парпиев, судланган А.Тўхсанов ва
унинг ҳимоячиси адвокат А.Алимкуловнинг иштирокида, жиноят ишлари
бўйича Яккасарой туман судининг 2012 йил 7 июндаги ҳукмига кўра,

██████████, ██████████ йил Бухоро
вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,
маълумоти олий, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча
ишсиз, ██████████

██████████ уйда рўйхатда турувчи, эҳтиёт чораси муносиб хулқ
атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси
нусхасини ўз вақтида олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан жабрланувчи Б.Мамуровнинг ҳимоячиси
М.Хамраев ва судланган А.Тўхсанов томонидан берилган шикоятлари жиноят
иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2012 йил 7 июндаги
ҳукмига кўра, А.Тўхсановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси
3-қисми «а» банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб,
ЖКнинг 72-моддасига асосан ҳукм шартли ҳисобланган, 1 йил синов муддати
белгиланган.

Манфаатдор томонларга маънавий зарарни ундириш масаласида даъво
талаби билан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи
тушинтирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция
инстанциясининг 2012 йил 12 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз
қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов
хайъатининг 2019 йил 12 сентябрдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 12 июлдаги
ажрими бекор қилиниб, янгитдан апелляция инстанциясида кўриш учун
юборилган.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 3 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган, А.Тўхсановнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми «а» бандидан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан жавобгарликдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 30 июлдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 3 декабрдаги ажрими бекор қилиниб, янгитдан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Тўхсанов пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш-бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида 2007 йилнинг апрель ойларида Мамуров Барнонинг фуқаролик ишларида иштирок этган ва ушбу ишни ҳал қилиб беришни ваъда қилиб, Б.Мамуровдан 3.500 АҚШ доллари миқдоридан пул олган ва ишларни ҳал қилиб бера олмагач Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган «Адолат Синмасин» адвокатлик фирмасида адвокат бўлиб ишловчи Тошматов Мухитдин Хўжакелдиевич билан таништириб қўйган ва Б.Мамуровдан олган 3.500 АҚШ долларидан 1.200 АҚШ долларини Б.Тошматовга берган ва қолган 2.200 АҚШ долларини Б.Мамуровга қайтариб берган.

Ҳимоячи М.Хамраев шикоятда, суд ҳукмини ўзгартириб, А.Тўхсановга қонуний жазо тайинлашни, Б.Мамуровга етказилган моддий зарар 2.200 АҚШ доллари ва 3.500.000 сўмни ундиришни сўраган.

Судланган А.Тўхсанов шикоятда, асосиз судланганлиги, у жиноят содир қилмагани сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, уни ЖПКнинг 83-моддасига асосан оқлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси, судья Д.Ражабовнинг иш юзасидан маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги хулосасини, судланган А.Тўхсанов ва унинг ҳимоячиси А.Алимкуловнинг суд ҳукмини бекор қилиб, А.Тўхсановнинг ҳаракатларида жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги ва жиноятга дахли йўқлиги сабабли уни реабилитация қилиш ҳамда жиноят ишини тугатишни сўраб берган фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларга тегишли баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 3-бандларига асосан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорини 4-бандида «Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча



ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим» деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 25-сонли Қарорини 16-бандида «Апелляция, кассация инстанцияси суди қисман ёки тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериши мумкин (ЖПК 490-моддаси учинчи қисми)» деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарорининг 7-бандида воситачи пора олувчининг ёки берувчининг топшириғига кўра ҳаракат қилиб пора буюмини бевосита берувчи шахс воситачи бўлишини эътиборга олган ҳолда судлар пора олиш-беришда воситачилик қилишни пора олиш ва беришдан фарқлашлари зарур. Бу ўринда ЖКнинг 212-моддаси бўйича воситачининг ҳаракатини тавсифлашда унинг пора олувчи ёки берувчидан ўз хизмати эвазига мукофот олган-олмаганлигининг аҳамияти йўқ. Порани бериш ёки олишни ташкиллаштирувчи, бунга йўналтирилган турли хил фаолият юритувчи ёки бўлмаса пора бериш ёки олишда ёрдамчи бўлган ва бир вақтнинг ўзида воситачилик ҳаракатларини бажарган шахс пора бериш ёки олишда иштирокчиликда жавобгар бўлади. Бу ўринда иштирокчининг ҳаракатини тавсифлаш масаласи у кимнинг манфаатини, ким томонидан ва кимнинг пора берувчинингми ёки олувчининг ташаббуси билан ҳаракат қилганидан келиб чиқиб, унинг қасди нимага қаратилганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя этмаган.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган судланган А.Тўхсанов жиноят содир қилмаганлигини билдириб, 2007 йил декабрь ойларида Б.Мамуровнинг фуқаролик иши бўйича адвокат бўлиб иштирок этганлигини, Б.Мамуровдан 3.500 АҚШ доллари гонорар сифатида олганлигини, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят ёзганлигини, рад жавоби келганлигини, Тошкентга келиб кетиш ҳаражатларидан қочиш мақсадида у Тошкентда адвокат бўлиб ишловчи курсдоши М.Тошматов билан Б.Мамуровни таништириб, ушбу ишни унга топширганлигини ва олган пулидан 1.200 АҚШ долларини адвокат гонорари сифатида берганлигини, ўзи эса Бухорога қайтганлигини, М.Тошматов билан Б.Мамуров нима ҳақда келишганлигидан уни хабари бўлмаганлигини, у Б.Мамуровдан олган 3.500 АҚШ долларидан бир қисмини адвокатлик ҳаражатларига, 1.200 АҚШ доллари М.Тошматовга адвокатлик гонорари



сифатида, қолган қисмини ўз эҳтиёжларига ишлатганлигини, 2008 йил ёз ойларида Россияга ишлагани кетиб 2008 йил охирида қайтганини, 2009 йил январь ойларида Б.Мамуровни кўчада учратганда ундан фуқаролик иши нима бўлганини сўраганида у ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини ва пулни қайтаришни сўраганлигини, шунда у ёнида Россиядан ишлаб келган пули бўлгани учун Б.Мамуровга олган адвокатлик гонорарни тўлиқ қайтариб берганлигини, Б.Мамуровнинг уни кечирганлигини ва унга давоси йўқлигини айтганлигини, М.Тошматовдан пулни қайтаришда ёрдам сўраганлигини, у Б.Мамуров билан бирга М.Тошматовдан пулни қайтаришни сўрашганини, лекин М.Тошматов пулни қайтаришга шароити йўқлигини айтиб, пулни қайтармаганлигини, у пора беришда воситачилик қилмаганлиги сабабли унга оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

565-сон ўлим ҳақидаги маълумотномага кўра, Б.Мамуров 22.11.2015 йил вафот этган (жиноят иши 253-и.в.).

Дастлабки терговда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.Мамуров ўз кўрсатувида А.Тўхсанов ундан олган 3.500 АҚШ доллари пулидан 1.200 АҚШ долларини М.Тошматовга берганлигини, 2009 йил январь ойида қолган 2.300 АҚШ долларини тўлиқ қабул қилиб олганлигини, унга даввоси йўқлигини, у билан бирга М.Тошматовдан пулларини қайтаришни талаб қилганлигини, А.Тўхсановнинг айби йўқлигини баён қилган (ж.и. 37-38-и.в.).

Иш ҳужжатларига кўра, А.Тўхсанов Б.Мамуровдан 3.500 АҚШ долларини олиб, ушбу пул маблағларини адвокат М.Тошматовга 1.200 АҚШ долларини «танишларинг бўлса ишни аризачи томонга ҳал қилиб бергин» деб бериб, қолган қисмини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган ва 2008 йил декабрь ойи охирларида Россияда ишлаб келиб, 2009 йил январь ойида Б.Мамуровга 2.300 АҚШ долларини тўлиқ қайтариб берган.

Шу ҳолат юзасидан М.Тошматовга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши юритилган ва жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг 2011 йил 13 сентябрдаги ажримига кўра жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги амнистия акти татбиқ этилиб айблилик масаласи ҳал этилмасдан тугатилган.

ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми «а» бандида (22.09.1994 йил таҳририда) ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Иш ҳолатига кўра М.Тошматов Б.Мамуровни алдаб фирибгарлик йўли билан пора беришга қизиқтириб унга тегишли 2.200 АҚШ долларини талон-торож қилганликдаги ҳаракатни содир этганликда гумонланган бир пайтда А.Тўхсановни шу пулнинг 1.200 АҚШ доллари қисмини пора олиш беришда воситачилик қилган деб ўзаро қарама-қарши хулосага келган.

Бу ўринда биринчи инстанция суди А.Тўхсанов кимга пора беришда воситачилик қилгани, ким пора олгани ҳамда А.Тўхсанов кимнинг ташаббуси билан пора олиш ёки беришда иштирок этганлиги ҳолатларига аниқлик киритмаган.



Апелляция инстанцияси судида А.Тўхсанов кимга пора беришда воситачилик қилгани, ким пора олгани ҳамда А.Тўхсанов кимнинг ташаббуси билан пора олиш ёки беришда иштирок этганлик ҳолати ва бундай ҳолатни исботловчи далиллар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддаси талабига асосан ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши белгиланган бўлса-да, суднинг А.Тўхсанов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топишда, яъни ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятини содир этганлиги ҳақидаги хулосаси тахминларга асосланган бўлиб, унинг айбини тасдиқловчи далиллар жиноят ишида мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида «Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак» эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 493-моддасида, жиноят ишини апелляция тартибида кўриб, суд ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилиши ва жиноят ишини тугатиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 25-сонли Қарорининг 30-бандини 3-қисмида «Жиноят иши бўйича йўл қўйилган жиноят-процессуал қонуни жиддий бузилиши ҳоллари апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан ҳукм бекор қилиниб, янги ҳукм, шу жумладан айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилишига ёки ишнинг ЖПК 84-моддасига мувофиқ тугатилишига тўсқинлик қилмайди» деб белгиланган.

Апелляция инстанцияси, юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, суд ҳукмининг А.Тўхсановни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топишда, яъни ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятини содир этганлиги ҳақидаги айблов эпизоди бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ва М.Тошматовнинг содир қилган жиноятига дахли бўлмаганлиги сабабли, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1, 3-бандларига асосан тугатиб, уни реабилитация қилишни, етказилган мулкӣ зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг



304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹⁹, 497²⁶-моддаси 1-қисми 2-банди, 497²⁷-моддаси 1-банди, 497³¹-моддаси 1-қисмига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2012 йил 7 июндаги [REDACTED] га нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилинсин.

А.Тўхсановнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ва унинг жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1,3-бандларига асосан реабилитация қилинсин ва унга нисбатан юритилган жиноят иши тугатилсин.

А.Тўхсановга мулкӣ, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддаларига асосан, даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Апелляция шикоятӣ қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья: (имзо) Д.Ражабов

Судов ҳайъати судьялари: (имзо) О.Илхомжонов

(имзо) Ғ.Амонов

Ажрим аслига тўғри:

